

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

▼ Кун тартиби

Нурафшон шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги ҳокимлик соатида охириги икки ойда вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган янги ва ҳаётбахш ҳужжатларнинг ижро жараёни атрофлича муҳокама қилинди.



ЯНГИ ҚАРОРЛАР:

ВИЛОЯТ УЧУН МУҲИМ ИМКОНИАТЛАР ДАВРИ БОШЛАНДИ

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 24 июлда қабул қилинган "Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳри ва Оҳангарон, Паркент ҳамда Бекобод туманларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Тошкент вилоятида ишбилармонлик муҳитини, инфратузилма ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашнинг қўшимча

чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳудуд тараққиётида янги даврни бошлаб бермоқда.

Мажлисга раислик қилган Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев асосий эътиборни мазкур муҳим ҳужжатларда белгиланган кўламли вазифа ва лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида бекаму кўстлик ва изчилликни таъминлашга қаратди. Йўғилишда мазкур қарорларнинг маз-

мун-моҳияти, ижро жараёнида идоралараро келишув, ҳамкорлик масалалари ҳамда бажарилаётган ишлар юзасидан кучли жамоatchилик назоратини ўрнатиш борасида аниқ топшириқлар берилди.

Шунингдек, кун тартибидоги масалалар юзасидан шаҳар ва туманлар ҳокимлари, тегишли ташкилот раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган вази-

фа ва топшириқларни амалга ошириш механизмлари юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосарлари фаолларга ҳисобот берди.

Юқоридоги қарорлар мазмун-моҳияти ҳамда амалга оширилаётган ишлар ҳақида вилоят ҳамда тегишли туман ва шаҳар даврий нашрлари, медиа платформаларда мунтазам чиқишлар қилиб борилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ:

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ИННОВАЦИОН ТАШАББУСЛАР



Жаҳон бозорида озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бораётгани сабабли уруғчилик, селекция ва агротехнологиялар соҳаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва етиштириш жараёнларини оптималлаштиришни таъминлайди.



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган ва изчил амалга оширилаётган "Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида барча йўналишларда инновацион фаолиятни кенг жорий этиш, илмий тадқиқотлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги рентабеллигини кескин ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда Қирай туманининг "Салар" маҳалласида жойлашган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Марказий Осиёнинг етакчи селекция марказларидан бири бўлган ушбу муассасада юздан ортқ олим ва мутахассислар фаолият юритмоқда. Улар орасида 2 нафар академик, 24 нафар фан доктори ва 42 нафар фан номзоди бор.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Viloyat bo'ylab



CHINOZ tumanidagi 2-sonli politeknikumda "Ahillik", "Navro'z", "Istiqlol", "Yangi" va "Yaxshi niyat" mahallalarida istiqomat qiluvchi 44 nafar ishsiz yoshlar bilan ochiq muloqot o'tkazildi. Uchrashuvda yoshlar tomonidan bildirilgan takliflar va ularni qilyayotgan muammolar o'rganildi. Ayrim masalalar bo'yicha amaliy yordam ko'rsatildi.

ANGREN shahrining "Go'zal" mahallasida "Uch avlod uchrashuvi" tashkil etildi. Tadbirda so'z olgan O'zbekiston teleradiokompaniyasi muharriri Yulduz Karimova va Toshkent viloyati Xotin-qizlar tadbirkorlik markazi rahbari Shohista Madiyarovalar yoshlarga zamonaviy bilim, kasb-hunar va oilaviy qadriyatlar haqida tavsiyalar berishdi. Nuroniylar va o'rta avlod vakillari esa yigit-qizlarni bilimli, tashabbuskor va vatanparvar bo'lishga undadilar.

BEKOBOD shahar hokimi N.Babayev mahallalardagi yoshlar yetakchilari bilan yig'ilish o'tkazdi. Unda yoshlar bilan ishlashning samaradorligini oshirish, yangi tashabbuslarni qo'llab-quvvatlash va ularning mahalla hayotida faol ishtirok etishini yo'lga qo'yish bo'yicha vazifalar belgilab olindi.

BO'STONLIQ tumani IIB boshlig'i, podpolkovnik A.Boymirzayev ishtirokida navbatdagi sayyor qabul bo'lib o'tdi. Ochiq muloqot tarzida o'tgan qabulda fuqarolarning "102" xizmatiga kelib tushgan murojaatlari, nizoli holatlar, moliyaviy oldi-berdi masalalari o'rganilib, aksariyati joyida hal etildi.

ZANGIOTA tumani hokimligi binosida "Oila – muqaddas qadriyat" mavzusida tadbir tashkil etildi. Unda notinch oilalarni murosaga keltirish, ajrim arafasida turgan er-xotinlarni yarashtirish hamda farzandlar tarbiyasi masalalariga e'tibor qaratildi. Shu kuni yakka tartibda suhbatlar o'tkazish natijasida 2 ta oila yarashtirildi, yana 3 ta oilaga o'yab ko'rish uchun muhlat berildi.

Бандлик – ҳаётдан хурсандлик демак



▼ Пресс-тур

Президентимизнинг жорий йил 17 январда қабул қилинган "Аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридо белгиланган вазифалар жойларда изчил амалга оширилмоқда.

2

Бугунги сонда:

Мафтункор
ранглар
жилоси

2

Мўйқаламдан
тўкилган
танқид

3

Бири
носир,
бири
шоир

4

Институт жамоаси ва худудий илмий-экспериментал станциялари ходимлари турли тупроқ-иқлим шароитларига мос келадиган пахта навларини яратиш ва уларни қишлоқ хўжалигига жорий этиш бўйича изланишлар олиб бормоқдалар. Бу ишларда академиклар Саидқабар Раҳмонқулов ва Шодмон Номозов, шунингдек, Виктор Автономов, Алишер Омонтурдиев ҳамда Яшин Бобоев каби профессорлар фаол ишти-

Институтнинг генетика ва цитология, физиология ва биокимё, энтомология ва патология, интенсив пахта навлари селекцияси лабораториялари ҳам замон талабларидан ортда қолмапти. "Органик пахтакорлик" лабораторияси мудираси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Дилбар Рашидова уруғчилик, ўсимлик физиологияси ва нанопрепаратлардан фойдаланган ҳолда эрта ва юқори сифатли хом ашё олиш соҳа-

Нормухаммад Мамедов, Музаффар Якубов ва изланувчи Барно Мирзамова каби ёш олимлар селекция, уруғчилик ва органик деҳқончилик йўналишларида илмий тадқиқот ишлари билан ҳам шуғулланишмоқда. Улар бугунги кунгача тажрибалар асосида 280 дан ортиқ илмий нашрлар, жумладан, 7 та монография тайёрлаб, чоп этиришди. Ил-




“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ИННОВАЦИОН ТАШАББУСЛАР

роқ этишмоқда.

Селекция ишлари билан бир қаторда уруғчилик, ресурс ва сувни тежовчи агротехнологиялар бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилаётган. Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган юқори самарадор, сифатли, кимёвий таркибга эга навларни тезкор яратиш ва жорий этиш вазифаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Институт АҚШ, Хитой, Покистон, Туркия, Греция, Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Беларусь каби мамлакатларнинг етакчи илмий марказлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Институт базасида пахтанинг 442 та нави яратилган бўлиб, шулардан 101 таси ўрта тонали, 49 таси эса ингичка тонали ҳисобланади. Селекция ютуқлари ва фойдали моделлар бўйича 100 дан ортиқ патент олинган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



ларида тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу унинг органик деҳқончилик соҳасидаги илк кашфиётчилардан бири, дейиш мумкин. Тадқиқотлар давомида эришилган ютуқлар тупроқ ҳосилдорлигини сақлаш ва оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, унинг раҳбарлигида

мий ишлар биологик фаол полимерлардан пахта этиштиришда фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг сифатини аниқлашни такомиллаштириш каби масалаларга бағишланган. Пахтакорлик соҳаси учун қизиқиш уйғотувчи 7 та патент олган. У фундаментал, ама-

лий ва инновацион лойиҳаларни муваффақиятли бажарган, уларнинг натижалари мамлакат аграр соҳасида талабга мос ҳисобланади.

"Наноплимер тизимлар таъсирида пахта уруғи ва ўсимлиги ривожланиш физиологиясининг қонуниятларини аниқлаш" номли фундаментал лойиҳа доирасида Ўзбекистон Фанлар Академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти билан ҳамкорликда ўсимлик ўсиши-ни назорат қилиш, зарарли микроорганизмлар ва ташқи муҳитнинг ноқулай омилларидан ҳимоялаш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Уларнинг натижалари шуни кўрсатдики, полимер комплекслардан фойдаланиш уруғларнинг ўсиш қобилияти, унмдорлик ва ҳосилдорликка ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, пахта уруғларига наноплимер препаратлари билан ишлов бериш ёғ кислоталари таркибига салбий таъсир кўрсатмаслиги ҳам аниқланган. Ушбу тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентлар берилган.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ

▼ Dolzarb 90 kun

MAFTUNKOR RANGLAR JILOSI

Yurtboshimizning tashabbusi bilan amalga oshirilayotgan "Dolzarb 90 kun" loyihasi yosh avlod ta'lim-tarbiyasining muhim bosqichi bo'lib, u bolalarning yozgi ta'limi mazmunli va samarali o'tkazishi, bilim olishdan uzilib qolmasligini ta'minlash, ma'naviy va jismoniy rivojlanishini qo'llab-quvvatlash maqsadida joriy etildi.

Bo'stonliq tumanidagi "Olmos" dam olish maskanida "Biz birgamiz!" ijtimoiy loyihasi doirasida 7 yoshdan 17 yoshgacha bo'lgan imkoniyati



cheklangan bolalar o'rtasida tasviriy san'at hamda para shaxmat bo'yicha respublika VII ko'rik-tanlovi o'tkazildi.

"Maftunkor ranglar jilosi – 2025" nomli tanlovda bolalar rasm chizish mahoratlarini namoyish etishdi. Shuningdek, bolalar rasmlari ko'rgazmasi hamda shaxmat musobaqalari tashkil etildi.

Oromgohda tashkilotchilar tomonidan 80 dan ortiq imkoniyati cheklangan bolalar hamda ularning ota-onalari uchun qulay sharoitlar yaratildi. Ular orasida 11 yoshli Saidjon Shukraliyev ham bor. U tug'ma nogiron, qo'llari yo'q.



Rasmiy og'zi va iyagi yordamida chizadi. Hayot ranglarini shunday tasvirlaydiki, ko'rib lol qolasiz. Bunday tadbirlar Saidjon kabi bolalarni hayotdan zavq olib yashashga undaydi.

Tadbir yakunida homiylar tomonidan har bir ishtirokchiga diplom

va sovg'alar topshirildi. Shu kuni oromgohda bolalar va ularning ota-onalari uchun to'kin dasturxon yozilib, bayram konserti namoyish etildi.

Nilufar YORMATOVA, musavvir

“ENG ULUG’”, “ENG AZIZ”

tanloviga materiallar qabul qilish davom etmoqda

Ўzbekiston Jurnalistlar va Yozuvchilar uyushmalarining Toshkent viloyati bo'limlari "Tasviriy oyina" ijodiy uyushmasi viloyat bo'limi bilan birgalikda Ўzbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining 34 yilligiga bag'ishlab o'tkazayotgan "Eng ulug', eng aziz" an'anaviy viloyat ko'rik-tanloviga hujjatlarni qabul qilish jarayoni davom etmoqda!

"Vatan uchun, millat uchun, xalq uchun!" shiori ostida o'tkazilayotgan tanlovga topshirilgan materiallarning g'olib va sovrindorlari quyidagi yo'nalishlarda aniqlanadi: bosma OAV xodimlarining jurnalistik ishlari; televideniye va radio ijodkorlarining materiallari; internet-jurnalistika; jurnalistlar tomonidan nashr etilgan publisistik mavzudagi kitoblar; yozuvchi va shoiraning badiiy asarlari; tasviriy san'at, foto asarlari va dizayn ishlari.

Tanlovga taqdim etilgan ijodiy ishlarga quyidagi hujjatlar ilova qilinishi lozim: muallif va uning professional faoliyati to'g'risida qisqacha ma'lumot; muallifning pasport nusxasi; muallifning manzili va bog'lanish telefonlari.

Tanlovga 2024-yilning 1-avgustidan 2025-yilning 1-avgusti-

gacha bo'lgan davrda e'lon qilingan materiallar – asarlar joriy yilning 15-avgustigacha qabul qilinadi.

Eslatma: tanlovga topshiriladigan ijodiy ishlar sifatli jamlangan holda "Eng ulug', eng aziz" ko'rik tanloviga" belgisi bilan taqdim etilishi shart.

Tanlov Nizomiga ko'ra, o'tgan 3 yil davomida g'oliblikni qo'lga kiritganlarning ijodiy ishlari ko'rib chiqilmaydi.

Ijodiy ishlar "Eng ulug', eng aziz" tanloviga deb ko'rsatilgan holda o'z ijodiy yo'nalishlari bo'yicha quyidagi manzilga yuborilishi lozim:

Toshkent viloyati, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 86-A uy. Ўzbekiston Yozuvchilar uyushmasi Toshkent viloyati bo'limi binosining 1-qavati.

Telefonlar: 99-886-09-52, 90-327-01-24.

Ўzbekiston Jurnalistlar uyushmasi Toshkent viloyati bo'limi

▼ “Toshkent haqiqati” tanishtiradi

TAYINLOV

Rasulov Laziz Alisherovich Toshkent viloyati hokimligi Master-rejalarni ishlab chiqish va amalga oshirish bo'yicha loyiha ofisi rahbari lavozimiga tayinlandi.

L.Rasulov 1990-yilda Qibray tumanida tug'ilgan. Ma'lumoti – oliy. 2013-yilda Toshkent davlat agrar universitetini tamomlagan. Laziz Rasulov Toshkent viloyati hokimligi va Yangiyo'l tumani hokimligida mas'ul lavozimlarda ishlagan.

Tayinlovga qadar "Wondes weyar" MCHJ direktori vazifasida ishlab kelayotgan edi.



Бандлик – ҳаётдан хурсандлик демак

Мазкур қарор иловасида Тошкент вилоятида ишсиз аҳолини касб-хунар ва тadbirkorлик кўникмаларига ўқитиш бўйича аниқ режа белгиланган. Унга кўра, шу йил якунига қадар 20 минг 448 нафар ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кўзда тутилган.

Бекобод шаҳридаги Касбий кўникмалар марказида Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ташаббуси билан ташкил этилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида иштирок этишди. Тадбирда шаҳар ҳокими марказ битирувчиларига сертификатлар топширди.

– Бугунги кунда вилоятимизда 5 та касбий кўникмалар маркази фаолият юритмоқда, – дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш вилоят бошқармаси касбга ўқитиш бўлими бошлиғи



гиронлиги бўлган шахслардан 487, меҳнат муҳожирларидан 157, камбағал оилалардан 4 минг 269 нафар фуқаро касб-хунарغا йўналтирилган.

Дастлаб журналистлар Бекобод шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ташаббуси билан ташкил этилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида иштирок этишди. Тадбирда шаҳар ҳокими марказ битирувчиларига сертификатлар топширди.

– Бугунги кунда вилоятимизда 5 та касбий кўникмалар маркази фаолият юритмоқда, – дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш вилоят бошқармаси касбга ўқитиш бўлими бошлиғи



ошпазлик, қандолатчилик, мактабгача таълим муассасаларига энағаликка ёрдамчи вазифаларига талаб юқори. Марказларда йўналишлар эҳтиёждан келиб чиқиб белгиланади. Шунингдек, хорижий инвесторлар ва Миграция агентлиги буюртмасига асосан хитой, инглиз, немис ва корей тилларида ўқитиш ҳам йўлга қўйилган.

Меҳнат ярмаркасида 60 дан ортиқ корхона, ташкилот ва тadbirkorлар томонидан 420 дан зиёд бўш иш ўрни таклиф этилди. Унда шаҳарнинг 33 маҳалласидан ишсизлар, иш қидираётган фуқаролар, пробация назоратидаги шахслар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари катнашишди. Натижада, 42 нафар олий таъ-



лотда 17 минг 978 нафар фуқаро касбга тайёрлашга жалб қилинган. Шу жумладан, ишсизлар – 738 нафар, иш қидираётганлар – 10 минг 178 нафар, ёшлар – 6 минг 105 нафар, аёллар – 15 минг 328 нафарни ташкил қилади. "Темир дафтар" дагилардан 12, "Ёшлар дафтари" дагилардан 78, "Аёллар дафтари" дагилардан 1 минг 128, но-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Фотима Аҳмадханова. – Улар ишсиз, касб ё маълумотга эга бўлмаган фуқароларни ўқитиш, малакасини ошириш ва тadbirkorликка йўналтириш билан шуғулланади. Биргина Бекобод марказида ишсиз фуқаролар 17 турдаги касбга йўналтирилади. Ўқитишни тамомлаганлар, тadbirkorлик қилиши ёки ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши мумкин.

Айни пайтда вилоятда тикувчилик,

лим битирувчиси ишга йўланма олди, 22 нафар фуқарога қизиққан йўналиши бўйича тавсиянома, 31 нафар фуқарога эса меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Ярмарка иштирокчиси, қўл меҳнати билан ановий гуллар ясовчи Зарина Орзиева марказда таълим олиб, тadbirkorликни йўлга қўйган. У Хунармандлар уюшмаси аъзоси. Ҳозирда у ишсиз, ногиронлиги бўлган



нишишди. Марказда, шунингдек, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, электр жиҳозларини таъмирлаш, қурилиш-пардозлаш ишлари, кран машинисти, ошпазлик, электр-газ пайвандчиси, бухгалтерия, электромонтёр, эркак ва аёллар сартароши, сантехник, компьютер ахборот технологиялари ва WEB сайт яратиш, ёрдамчи тарбиячи каби касблар ўқитилади. Ҳозирга қадар марказда 4 минг 482 нафар тинловчи таҳсил олди.

Журналистлар шаҳар марказидаги "Фарида Нубувват" гўзаллик саломида ҳам бўлишди. Унинг раҳбари Нубувват Абдуқолиқова бешдан ортиқ иш ўрни яратиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаган. Маъмур саломида бир кунда 10 дан ортиқ миқозга хизмат кўрсатилди.

Нигора ҲАҚИҚАТИ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолуддин ЭСОНОВ олан суратлар

ЕРГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРИШИ ШАРТ

Сўнги йилларда юртимизда ер ресурсларини бошқариш, муҳофаза қилиш ва самарали фойдаланиш борасида туб ислохотлар амалга оширилди. Бу жараёнда замонавий технологиялар, жумладан, космик мониторинг, сунъий йўлдошлар ва дронлардан кенг фойдаланилмоқда.

▼ Назорат



қилинган 937-сонли Қонун асосида ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ерларга ҳамда уларда қурилган иншоотларга эгалик ҳуқуқини эътироф этиш давом этмоқда. Бу қонун аҳоли учун катта имконият берди, кўплаб хонадон эгалари ўз мулкни қонунийлаштириши имконига эга бўлди.

Қонунга асосланиб, вилоят миқёсида 62 минг 246 та объект хатловдан ўтказилиб, 24 минг 212 таси "Эътироф" тизимига киритилди ва 139 та объектга мулк ҳуқуқи берилди. Шунингдек, йил давомида 1 минг 223 гектар ер майдони ўзлаштирилди, 683,6 гектар ер аукционга чиқарилди. Ерни хусусийлаштириш бўйича 14 минг 759 та аризанинг 7 минг 256 таси ижобий ҳал этилди. 4 минг 480 та кадастр паспорти шакллантирилди, 73 минг 996 та кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилди.

Айтиш жоизки, тизимдаги ислохотлар нафақат давлат назорати самардорлигини оширмоқда, балки аҳолига қулай ва шаффоф хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Электрон ахборот тизимлари орқали одамлар ўз ер участкалари ва кўчмас мулкка оид масалаларини узоқ наватларсиз, ортиқча қоғозбозликларсиз ҳал қилаётгани аҳолининг агентликка ишончини мустаҳкамламоқда.

Рустам ПАЙЗИЕВ,
Кадастр агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 30 августдаги "Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридagi Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Ўзбеккосмос" агентлиги ташкил этилди.

2022–2024 йиллар мобайнида "Ўзбеккосмос" ва Кадастр агентлиги ҳамкорлигида аниқланган 6 минг 587 та электрон маълумот бўйича 313 та ҳолатда маъмурий жарималар қўлланилди, 4 минг 250 та ҳолатда эса ер участкалари ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлангани аниқланди. Жорий йилда бу кўрсаткич 2 минг 64 та ҳолатни ташкил этди.

Энг кўп ҳуқуқбузарликлар пойтахтга яқин Янгийўл, Зангиота, Қибрай ва Бўстонлик туманларида аниқланмоқда. "E-YER NAZORAT" ахборот тизими орқали барча

маълумотлар электрон тарзда қайд этилиб, жойига чиқиб бартараф этилмоқда.

Масалан, Зангиота туманининг Назарбек ҳудудидаги 71 балл бонитетли жами 9,41 гектар суғориладиган экин майдони талон-торож қилинганлиги аниқланиб, тўпланган материаллар қўшма тартиб асосида прокуратура органларига юборилди. Бугунги кунда бу бўйича жиноят иши кўзгатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Шунингдек, мақсадсиз фойдаланиш бўйича жами 431 ҳолатда 1 минг 570 гектар ер аниқланган. Бу бўйича ҳоқимликларга тақдимномалар киритилиб, шундан 418 та ҳолатда 1 минг 543 гектар ер майдони давлат захирасига қайтарилиши таъминланган.

Яна бир мисол. Бўстонлик туманининг "Хўжакент" маҳалласи ҳудудидаги жами 10,90 гектар ер майдони "Chelse Arms" МЧЖ томонидан мақсадсиз фойдаланганлиги аниқланиб, ҳоқимликка киритилган тақдимнома асосида суднинг тегишли қарори билан давлат захирасига қайтарилди.

Эътиборлиси, 2024 йил 5 августда қабул

▼ Виртуал олам

Ахборот асрининг энг катта парадоксларидан бири – бу технологик тараққиётнинг ижтимоий инқирозлар билан елкама-елка юриши. Айниқса, ижтимоий тармоқлар замонавий инсон ҳаётининг ажралмас бўлагига айланган бугунги кунда, уларнинг фойдали жиҳатлари қанчалик кўп бўлса, сал-

бий оқибатлари ҳам шунчалик жиддий. Интернет, айниқса, инстаграм каби платформалар ўзига хос виртуал дунёни яратди. Бу дунё ахлоқий чегараларнинг тобора йўқолиб бораётган, қадриятлар жамият эмас, алгоритмлар асосида белгиланиши мумкин бўлган маконга айланмоқда.

ЭРКИНЛИК СОЯСИДАГИ ТАНАЗЗУЛ

Интернет – глобал эркинлик тартиб билан уйғунлашмас, у инқирозни келтириб чиқаради. Бугунги кунда кўплаб блогерлар, маркетинг мутахассислари ва рекламачилар бренд тарғиботида ахлоқий меъёрларни эътиборга олмаяпти. Айниқса, аёллар образининг очиклашуви тобора кучаймоқда. Эндигида: "Brandface" деганда – ўзини кўрсатишга рози бўлган, жисмоний кўриниши орқали эътибор торттишга уринаётган аёллар тушунилмоқда. "Реклама"да эса очикча эротика, ҳақоратли сўзлар ва контекстлар билан безатилган визуал материаллар назарда тутилмоқда. "Контент" деганда – жамиятга эмас, алгоритмга ёқадиغان видеолар устунлик қилмоқда.

Бугун интернет, айниқса, инстаграм саҳифаларида "Никоҳсиз яшаш учун қулай квартиралар", "Эркин муносабатлар учун хона ижараси", "Фақат жуфтликлар учун хизмат" каби эътибор оқибатига тарқатилмоқда. Бу эса нафақат қонунчиликка, балки миллий ва диний қадриятларимизга ҳам мутлақо зид.

Шунингдек, бу рекламаларнинг кўпчилигида ярим яланғоч ҳолдаги аёллар "бренд юзи" сифатида кўрсатиляпти. Гўёки уларнинг жозибаси орқали кўпроқ миқоз жалб қилиш мумкин. Тунги клублар, 18+ йўналишдаги хизматлар ва "эрк

учун ҳамма нарса мумкин" деган нотўғри гоғлар аллақачон алгоритмларнинг энг юқори погонасига чиқиб олган.

Юқоридаги ҳолатлар ахлоқий меъёрларнинг тобора ишламай бораётганидан далолат беради. Айниқса, 16–25 ёшдаги аудитория бу "трендлар"ни соғлом баҳолай олмайди ва натижада уларни ҳаёт мезонига айлантириб олади.

Бундай реклама ва контентлар фақат битта кишининг эмас, бутун бир авлоднинг рухий, ахлоқий ва ҳатто ҳуқуқий шаклланишига салбий таъсир қилади. Чунки улар онг остига куйидаги нотўғри хабарларни юборади: "Пул топсанг, ҳаммаси мумкин", "Таниқли бўлиш учун ҳатто ҳаётингни хавфга қуй", "Ахлоқ – эскилик сарқити", "Оила, никоҳ, ор-номус – бу ўтган асрга хос" каби тушунчалар.

Турли хил платформаларда тинмай айланаётган никоҳсиз ижарага қўйилган уйлар, тунги клуб ва массажахона каби-ларнинг рекламалари эркинлик эмас, балки ахлоқий бузуқликка чорлов бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун ҳар биримиз смартфон тутган кўлимиз билан "маънавий макон"ни шакллантиряпмиз. Бироқ савол туглади: булар устидан ким назорат

ўтказмоқда? Ким бу контентларни филтрлайди? Ким болаларимиз нима кўраётганини кузатади?

Ортимизда Ички ишлар вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан баъзи ноқонуний контентлар бўйича чоралар кўриляётгани инкор этилмайди. Аммо бу ҳолатларнинг сони интернет тезлигидан ортиб бораётган бир вақтда, масалага фақат юқоридан эмас, пастдан, жамият ичидан ҳам туртки бериш зарур.

Умумтаълим мактабларида рақамли маданият ва ахборот хуруж-

ахлоқ меъёрларига зид видео, рекламалар устидан шикоят қила олиш ва ундай видеоларнинг тарқалмаслигига ўз хиссасини қўйишни ҳам ўргатади.

Ҳар бир реклама берувчиси ва унда тарғиб қилинаётган ҳар бир нарса эътиборга олинган бўлар эди.

Ижтимоий тармоқлар – бу шунчаки кўнгилочар восита эмас. Улар бугунги дунёқарашни, эртанги қарорларни ва бутун жамият тақдирини белгиляётган майдондир. Шу сабабли, бу майдонни биз ижобий қадриятларимиз билан тўлдирмасак, бегона мафқуралар тўлиб бораверади. Ҳар доим ҳам экран ортида реклама берувчилар ва контент яратувчилар учун мос аудитория ўтирмайди. Бошдан оёқ жаргон ва вулгаризмга оид сўзлардан ташкил топган бундай контентлар ўсиб келаётган ёшлар онгига ўз асоратини қолдирмай қўймайди. Фақатгина шахсий манфаат эмас, балки одамлар учун манфаат кўзланганлиги синтез қилишига иммунитет пайдо бўлади. Бу нафақат танлов, балки шахсоний ҳаракатларга йўл қўйилган,



ларига қарши иммунитетни шакллантириш бўйича алоҳидадан фан жорий этилиши керак. Бу орқали интернетга киряётган ҳар бир шахсда танлов маданияти шаклланиши ва кўраётганларини синтез қилишига иммунитет пайдо бўлади. Бу нафақат танлов, балки шахсоний ҳаракатларга йўл қўйилган,

ЎЗА

Мўйқаламдан тўжилган танқид

Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида йирик карикатура журналлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мисол учун: "Charlie Hebdo", "The New Yorker", "MAD" ва бошқалар. Бунда журналлар нафақат мақолалар, балки чиройли чизилган юмористик карикатуралари билан машхур. Баъзилари эса жуда кескин ва провокацион карикатуралари билан танилган.

Ўзбек журналистикаси тарихида карикатура санъатининг алоҳида ўрни бор. Айниқса, 1923 йилда Абдулла Қодирий ташаббуси билан

яратилган "Муштум" журналида бу санъат ўзининг олтин даврига кирган эди. "Муштум" журнали сатирик, ҳажвий йўналишда бўлиб, унда чоп этилган карикатуралар ўша даврдаги ижтимоий иллатлар – порахўрлик, саводсизлик, камситиш, мансабпарастлик каби муаммоларни очикча-сига фош қилган.

Бу карикатуралар кўпинча аччиқ сўзлар билан эмас, оддий, аммо мазмунли расмий ифода билан муаммони танқид қилган. Бир қуришда кулгили бўлиб кўринган образлар остида

эса бутун бир жамиятнинг изтироби, танқидий нигоҳи яширилган. Абдулла Қодирийнинг ўзи бу йўналишни "халқни уйғотиш, ноҳақликни очиб бериш", деб таърифлаган.

Мана, замон ўзгарди. Бугун карикатура фақат қоғозда эмас, ижтимоий тармоқлар, блоглар ва рақамли журналларда ҳам мавжуд. Бироқ унинг асосий вазифаси – танқид, хабардор қилиш ва огоҳликка чорлаш ўзгармади. Айниқса, сиёсий ва ижтимоий масалаларда жамиятнинг умумий кайфиятини ифодаловчи кучли восита

Карикатура – бу оддийгина кулгу эмас, балки жамиятдаги оғриқли муаммоларнинг очик кўриниши, баъзан эса бошқалар юрак ютиб айта олмайдиган ҳақиқатни шакл ва образ орқали кўрсатишга журъат этадиган кучли восита. Кўп ҳолларда сўзлар билан етказиб бўлмайдиган танқид карикатура орқали кескин, аммо кучли эстетик ифода билан айтилади. Бугун ҳам бу санъат тури нафақат журналларда, балки ижтимоий тармоқларда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда карикатура санъати эркин ифода, цензура ва оммавий фикр шаклланиши муаммолари билан эзма-юз турибди. Аммо бу санъатнинг ҳаётлиги айнан шундадир. Қачонки қийинчилик ва босим бўлса, у яна жонланади, яна тилга кирди.

Карикатура – бу фақат кулгу эмас, бу жамият ойнаси. У нафақат муаммоларни очиб беради, балки уларни қандай кўраётганимиз,

қандай талқин қилаётганимиз ҳақида уйлашга қақиради. Абдулла Қодирий ва "Муштум" журнали томонидан



ТРАМПНИНГ ҒАЛАБАСИ...

Ўтган ҳафта якунида Трамп иштирокида Алиев ва Пашинян постсовет ҳудудида 35 йилдан бери чўзилиб келаётган инқирозни ҳал этувчи қатор ҳужжатларни имзолашди.

Арманистон ва Озарбайжон Қорабоғ инқирози бўйича ЕҲҲТнинг Минск гуруҳини тугатиш бўйича қўшма мурожаат қабул қилдилар. Боқу куч ишлатиш йўли билан, Ереван эса Қорабоғ Озарбайжоннинг бир қисми, деган баёнотидан кейин мазкур масалага нукта қўйилган эди.

Имзоланган "Трамп маршрути: халқаро тинчлик ва фаровонликка йўл" ҳужжатига мувофиқ Зангузар йўлаги бундан кейин "Трамп маршрути", деб номланади. Янги йўл Озарбайжонни эксклави – Нахичеван билан боғлайди ва у Туркия чегараларига чиқади. Ҳар икки томон иқтисодий фойда кўради.

Арманистон ва АҚШ ўзаро тенг ҳуқуқли асосда консорциум тузиб, уни биргаликда бошқарадилар. Ҳамкорлик 99 йил давом этади. Йўл устидан Арманистон суверенитети ва ҳуқуқий мақомини сақлаб қолади. "Маршрут" атрофида муҳим фойдали қазилмаларнинг энг бой конлари яширилгани айтилади.

Америка ҳарбий базаси ҳам шу ерда жойлашади... Россияни четлаб Европага йўл очилади.

Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги тинчлик шартномаси имзоланмади, у кейинга қолдирилди. Томонлар тинчликка

эришиш бўйича ишларни давом эттириш мажбуриятини белгиловчи кечувчи шартнома қабул қилдилар.

Тинчлик шартномасининг ўзи Қорабоғ сўзи бўлмасдан Арманистон конституциясига ўзгартиришлар киритилган, имзоланиши кутилади. Бунинг учун мамлакатда ҳар ҳолда референдум ўтказилиши мумкин.

Яна бир ҳужжатга кўра, томонлар жанговар ҳужумларни тўхтатадилар. Бу ёғига Озарбайжон ва Арманистон савдо, туризм ва дипломатик муносабатларни йўлга қўядилар, бир-бирининг суверенитети ва ҳудудлар яхлитлигини ҳурмат қиладилар.

Шундай қилиб, Россия Жанубий Кавказдан мутлақо чиқарилди, "тинчликни сақлаш майдони" Москвадан Вашингтонга ўтди, деб ҳулоса чиқариш мумкин.

Тахлилчилар Трамп икки давлат ўртасида воситачилик қилиб, халқаро эътирофга сазовор бўлди, дейишмоқда. Навбат Нобель мукофоти олишига. Шу кунгача қатор мамлакатлар, шу жумладан, Камбоджа, Ҳиндистон ва Покистон Трампнинг тинчликпарвар ҳаракатлари учун Нобель мукофотига номзод қилиб кўрсатган эди.

Европа арманлари ассоциацияси форуми Пашиняннинг бу амалларини "роса уятли режалар", деб атайди...

ЗАНГАЗУР: КИМГА МАЪҚУЛ, КИМГА НОМАЪҚУЛ

Боқу билан Ереван ўртасида адоват тугади. Вашингтонда бошқа урушмасликка ваъда бердилар. Имзоланган ҳужжат озар-армани инқирозини тугатишда АҚШ бош воситачи мақомини олди, аввал у Кремлга оид эди.

Назаримизда, мазкур учрашувнинг энг муҳим натижаси – Арманистон жанубий ҳудудий қисмини Озарбайжоннинг Нахичевани билан боғловчи йўлнинг очилишидир. Унинг иқтисодий аҳамияти ниҳоятда чексиз. Озарбайжон учун у учинчи мамлакатлар орқали транзитсиз Нахичеван билан тўғридан тўғри боғланиш бўлса, Арманистон учун эса халқаро транспорт тармоғига қўшилиб, ундан салмоқли дивиденд олишидир. Юкларни ташиш харажати қисқаради, сарможа жозибадорлиги ошади.

Аммо қатор мамлакатлар мазкур лойиҳага норозилик билдирдилар. Олий раҳнамонинг маслаҳатчиси Али Акбар Вилояти Эрон АҚШ назорати остида транспорт йўлаги очилган йўл қўймайди, шунингдек, уни "Трампнинг ёлланма аскарлари мазори"га айлантиришга ваъда берди.

Расмий Техрон мосланувчанликни намойиш этди. Президент Пезешкиён лойиҳанинг келишув жараёнида Эроннинг талаблари ҳисобга олиниши зарурлигини таъкидлаб, умуман йўлнинг қурилишига эътироз билдирмади.

Россия ҳозирча вақтин муносабатда. Фаол сўзчи Захарова Вашингтон шартномаларини ижобий баҳолаб, кетидан минтақавий алоқаларни блокдан чиқаришда Москванинг ролини эслатди. "Россия иштирокидаги уч томонлама битим бор, ҳеч бир томон ундан қиймасдан, долзарблигини сақлаб қолади".

Очиғи, Кремль дисконформат ҳолати-

да: Арманистон-Эрон чегарасини ҳимоя қилаётган россиялик чегарачилар Америка ҳимоясига ўтган "йўлак"нинг шундай яқинида.

Ташвишли хабар Грузиядан ҳам келди. Собиқ давлат раҳбари Саакашвили маршрут ишга тушса, Тбилиси Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муҳим транспорт алоқаси макомини йўқотади. "Асосий юк машиналари Грузия ҳудудини четлаб ўтади".

Тахлилчиларнинг қайд этишича, Зангазур йўлаги айрим элита гуруҳлари душманлик қилаяпти, Россия ва Эрон раҳбариятлари эмас. ЭИРда бу Озарбайжонга нисбатан жиддий норози ва Жанубий Кавказдаги ўзгаришларга қарши кайфиятдаги сиёсий "олий шахслар"дир. Россияда эса – Озарбайжон ва Туркия иттифоқининг кучайишини истамайдиганлар...

Минтақада ҳарбий кампания бошланмаслиги аниқ. Москвадан Арманистонда ҳарбий базаси ва чегарачилари хизматни давом эттиради. Боқу билан иқтисодий алоқалари сақланади. Трампнинг Путин билан муносабатлари ёмон эмас, қолаверса, маршрутга унинг номи берилди.

Экспертлар янги Зангузар йўлининг қурилишига ташки жиддий аралашув кутилмайди, фақат Арманистондаги ички сиёсий барқарорликка боғлиқ бўлиши мумкин, деган фикрда қадиллар...

Аммо турли кўринишда провокациялар ушатирилиши аҳтимоли ҳам йўқ эмас...

Шарҳловчи: Аббор ХОН





▼ Одамийлик шеvasи

1983 йил. Янги ўқув йили бошланиб, санокли кунлардан кейин биз – талабалар Сирдарё ва Жиззах пахтакорларига кўмакка ҳашарга отланамиз. Бизлар тахсил олаётган Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти чекига ҳар йилгидек Жиззах вилоятининг Зарбдор тумани тушган...

Ана шундай бахтиёр кунларнинг бирида:

– Ҳозирги кунда ёшлар ора-

сида танилган Усмон Азим ва Эркин Аъзамни институтимизга таклиф этсак, – дея мени йўқлади Адабиёт кафедраси мудири, ўзбек мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун нашр этилган “Литература” дарслигининг ҳаммуаллифи Машхура Аҳмедова. – Сизга айтишимнинг боиси ўзингиз ҳам ижодкорсиз. Шунини ташкиллаштирамангиз...

Буни эшитиб жуда қувондим.

...Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак,
Фақат, бекор билиб ором кучоғини –
Бу дунёни шеърга кўмиб яшаш керак,
Қалбга санчиб шеърятнинг пичоғини...

Бу сатрлар талабалар орасида маълуми машҳур эди. “Отойининг туғилган йили” китоби эса қўлма-қўл бўлиб, титилиб кетган.

Бири носир, бири шоир

Газетада эълон қилинган шеърларини қайта ва қайта ўқиб, назмий мисраларни бир-биримизга иллинаётганимиз, Маяковский мукофоти лауреати Усмон Азим ва китобларини қидириб юрганамиз Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти лауреати Эркин Аъзам билан учрашувни ташкил қилишга киришдик. Чекимда масъулиятли иш...

Ҳали юзма-юз таниш бўлмаган бу икки ижодкорни излаб, ҳозирги Амир Темур хиёбони яқинидаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига бордим.

– Тўғрига юрсангиз радиокўмита бор, Усмонни ўша ердан топасиз, – дейишди.

Бордим. Ички телефон орқали Усмон Азимни чақириб беришди.

Газеталарда расмини кўрган Маяковскийнамо қараш билан келаётган шоирга ҳаяжон билан пешвоз чиқдим.

– Бўпти.
– “Ёшлик” журнали қаерда эди. Эркин Аъзамни...

– Абдуллажон, Эркинга ўзим айтаман. Албатта борамиз.

Учрашув кунни, вақтини келишдик...

Институтга кўшдек учиб келдим. Севимли шоир ва носир билан бўладиган ижодий учрашувга ҳозирлик кўришга киришдик. Талабалар институт клубида ўтказиладиган ижодий учрашувнинг эълонини қуршаб олишди. Хурсандлик аломати зухур, сирли шивирлашлар...

Айтилган пайтда Ўзбекистон радиосига етиб келдим.

Эркин Аъзам метронинг олдида учрашамиз, деган экан.

Шоир билан ҳозирги Мустиқлик майдони метросигача гурунлашиб бордик. Носир ҳам етиб келди.

– Институтга қайси маршрутқа боради?
Эркин Аъзамнинг саволига жавобан:

– Таксида борамиз, – дея катта йўлга бошладим.

– Таксини нима қиласиз. Шу ердан қандайдир маршрутқа бўлиши керак.

– “20”-чи боради. Лекин...
– Нима, лекин?

– Таксида тезроқ борамиз-да...
– Бизларни биров кўриб келяптими? Қара, Усмон, ҳозирги студентлар таксида юришади. Бизлараканмиз-да...

Маршруткага ўтирдик. Меҳмонларимиздан бири шофёрга пул узатиб:

– Учтага, – деса бўладими...
– Ман ўзим...

– Кўяверинг, бизники маошнинг учидан...
Институт ҳовлиси гавжум. Адабиёт ихлосмандлари бўлган йилгидек қизлар гулгун ёниб, севимли шоир ва адибга пешвоз чиқди.

Зал талабалар билан гавжум. Олд қаторда устоз-мураббийлар.

Сценарийга кўра саҳнада мухлисларига самимият билан боқиб турган ижодкор – меҳмонларни таништириб, галла-гал сўз бердим.

– Мен насрда, Усмон назмда ёзади. Буни аллақачон, ёшлигимизда, адабиёт оstonасида турган кезларда келишиб олганмиз...

Эркин Аъзам мазмунли ва тағдор, тошбосар фикрлари, асарларидаги воқеалар ва қаҳрамонлари ҳақидаги гаплари билан даврадагилар эътиборини тортди.

Усмон Азимнинг кўзларини юмиб, ўзгача бир маҳорат билан ўқиган шеърлари ҳаммани завқлантирди.

Институтимиз талабаларининг аксарияти ижодкор эмасми, савол-жавоблар ҳам шунга мос бўлди.

Болалик, ўқувчилик даврини Бойсунда, талабалик даврини эса Тошкент аъзамда бирга ўтказиб, пойтахтда ижод қилаётган Эркин Аъзам ва Усмон Азим адабиёт майдонида ҳам ҳаммиса бирга.

Ижодий учрашув кутганимиздан кўра самимий, кўтаринки руҳда ўтди.

Талабалар ётоқхонасидаги юқори курсда тахсил олаётган институт деворий газетасининг муҳаррири Мурод Мўминовнинг хонасида бир пиёла чай устида суҳбатни давом эттирдик.

Меҳмонлар кетишга чоғланганида. Уларни уларига обориб қўйишим керак. Институт дарвозаси ёнида такси тўхтатдим.

Машинага минмоқчи эдим.

– Сиз қаерда турасиз?



– Шу ерда, лекин Сизларни айтган жойларингизгача...

Ғалим оғзимда қолди.
Носир ва шоир ўтирган енгил машина елдек учди.

Қатнашчиларда илиқ таассурот қолдирган ўша учрашувга ҳам 40 йилдан ошди. Ушандан буён самимий муносабатдамыз. Умр дарёсидан қанча сувлар оқди...

Кунларнинг бирида янги қиссани тугатиб, “Тафаккур” журналига, Эркин Аъзамга олиб бордим.

Ҳар доимгидек илиқ кутиб олган устоз столи устидаги кўлэмаларга ишора қилиб:

– Укажон, қаранг, манави асарларни олганимга анча бўлди. Кўриб чиқишга вақт тополмаяман. Сизникини ҳам олиб қолсам...

Ҳақиқатан ҳам бош муҳаррир масъулияти, журналда чоп этиладиган турли жанрдаги кўлэмаларни ўқиш, таҳрирлаш, давлат ва жамият иши, насрий асарлар, киносценарийлар... Эҳ-ҳе! Ўзининг залворли ишларидан ортмайидиган одамнинг ўзгалар ташвишини ҳам елкалаши айтишга осон.

Устозга узримни айтиб. Эшикка йўналдим.

– Абдуллажон, бу ёққа келинг... Қани, кўлэмани беринг...

Эркин ака қиссани қўлимдан олди.

– Чақалоқнинг юзини кўрайлик, – дея “папка”ни очиб, яхши ният айтди.

У мендан:

– Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлганмизми? – деб сўради.

Аъзолигимни айтганимда мамнун бўлганимни кўриб, севинганман... У безътибор эмасди...

“Орзулар қанотида” драматик асарим Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган, янги пьеса ёзим.

Усмон Азимга ўқиб беришни сўраб телефон қилдим.

– Театрга олиб борайми?

– Келиб овора бўлманг. Эртага ўзим радио томонга ўтаман.

Эртасига кўнғироқ қилди.

– Келдим. Драматизини олиб чиқинг.

Чиксам, йўлнинг нариги бетида машинаси ёнида кутяпти.

– Ўқиб чиқай. Фикримни айтаман...

Усмон Азим вақт топиб, ҳурмат юзасидан пьеса кўлэмасини ўқиб чиқди, маслаҳатларини аямиди...

Икки устознинг чин инсонларга хос фазилату хусусиятлари, сўзга бўлган садоқати доимо ҳурмату меҳримни қозонган.

Бири носир, бири шоир – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ва Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг самимийлиги, одамоҳунчилиги уларнинг бетакрор асарларида ҳам яққол акс этиб турибди...

Иккалангизга-да табарруқ 75 ёш муборак бўлсин!

Икковингиздан-да янги асарлар кутиб қоламиз...

Абдулла АЙИЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Azam MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas’ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Nabvatchi:

Suhrobjon SADIROV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 19.30.

Nashr ko’rsatkichi – 205.

Buyurtma G-835.

2 743 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taqob. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo’li ko’chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko’chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudko’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

Меҳридин ИБРАГИМОВ

“ОШИҚ”ЛАРНИНГ САРДОРИ МЕНМАН!

...деб юрган зўравон бу гал адашди


Айримлар қиморни “ўйин”, “ҳордик” деб тушунишади. Аммо, аслида-чи? У нафақат инсон ҳаётини издан чиқаради, балки оиласи, яқинлари ва жамиятга ҳам катта зарар етказади. Таваккалчиликка асосланган бундай ўйинлар билан шуғулланган кимса охир-оқибат боши берк кўчага кириб қолиши тайин.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг осоийшталлигини таъминлаш мақсадида Республика буйлаб мунтазам тарзда ўтказиладиган тезкор-профилактик тадбирлар давом этмоқда. Бу каби тадбирлар нафақат жамоат хавфсизлигини таъминлаш, балки ёшларни ва умуман, аҳолининг барча қатламларини жиноятчилик гирдобига тушишдан асрашга хизмат қилмоқда.

Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳудудий бўлинмаси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор

тадбир давомида Чиноз туманида далилий ашё сифатида 4 минг АҚШ доллари, 18 миллион сўм ҳамда 260 Қатар динори, шунингдек, қимор ўйини учун ишлатилган ошқирлар процессуал тартибда расмийлаштириб олинди. Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан М.Д га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг

278-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган. Шу билан бирга, қимор ўйинининг қолган иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 191-моддасига (қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этиш) биноан



жавобгарликка тортилди. Қимор ёки таваккалчиликка асосланган бу каби ўйинлар қадимдан бўлган. Аммо ҳар қандай даврда ҳам уларнинг оқибати бир хил: иқтисодий, маънавий ва руҳий зарар, оилавий жанжаллар, мол-мулкни бой бериш, айрим ҳолларда эса жиддий жиноят

содир этилишигача олиб келган. Энг оғир кўриниши – инсон ўзи ва атрофдагиларнинг ҳаётини хавф остига қўйишидир.

Дунёнинг кўплаб давлатларида бу фаолият қаттиқ назорат остида, айрим жойларда мутлақо тақиқланган. Шундай бўлса-да, ноқонуний қимор доимий равишда жиноий гуруҳларнинг манфаати учун хизмат қилиб келган.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, бу каби ўйинлардан келган маблағ ҳеч қачон барака келтирмайди. Осон топилган пул осон кетади, аммо ундан ортирилган иллатлар, қийинчиликлар ва пушаймонлик узоқ давом этади.

Шу сабабли ҳам мамлакатимизда ноқонуний қимор ўйинларига қарши кураш қатъий давом эттирилмоқда. Бу нафақат қонун устуворлигини таъминлаш, балки жамиятнинг маънавий поклиги, ёшлар онгини бузғунчи иллатлардан асраш учун ҳам ниҳоятда муҳим.